

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

**КАПИТАЛ ҲАРАКАТИ БИЛАН БОҒЛИҚ АЙРИМ ВАЛЮТА ОПЕРАЦИЯЛАРИНИ
АМАЛГА ОШИРИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИҚЛАШ
ҲАҚИДА**

[Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2013 йил 17 декабрда
рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2536]

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 126-модда) ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда) қонунларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қилади:

1. Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом **иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2013 йил 23 ноябрь,
22/2-сон

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2013 йил 23 ноябрдаги 22/2-сонли
қарорига
ИЛОВА

**Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш
тартиби тўғрисида**

НИЗОМ

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 247-модда), «Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 126-модда) ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 й., 1-2-сон, 6-модда) қонунларига мувофиқ капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

I боб. Умумий қондалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

капитал ҳаракати билан боғлиқ валюта операциялари (бундан буён матнда валюта операциялари деб юритилади) — жорий халқаро операциялар ҳисобланмайдиган барча операциялар, жумладан:

Олдинги таҳрирга қаранг.

инвестиция фаолиятини амалга ошириш, шу жумладан резидентлар томонидан чет элдаги ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш;

(1-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

кредитлар олиш ва бериш, лизинг операцияларини амалга ошириш;

кўчмас мулкни сотиб олиш ва сотиш;

хорижий давлатлардан маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жалб этиш ҳамда хорижий давлатларда маблағларни ҳисобварақлар ва омонатларга жойлаштириш;

хориждан маблағ жалб қилиш — Ўзбекистон Республикаси ёки унинг резиденти томонидан хорижий давлатлар ёки норезидентлар активларининг (кредитлар, заёмлар ва бошқаларнинг) мазкур хорижий давлатга ёки норезидентга ёхуд уларнинг талабига кўра учинчи шахсга шартлашилган даврда адекват активларни, жумладан, активлардан фойдаланганлик учун тўловларни тақдим этиш мажбуриятини ўз зиммасига олган ҳолда жалб этилиши.

Олдинги таҳрирга қаранг.

2. Тижорат банклари валюта операциялари ҳисобини юритади.

(2-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

3. Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномалар ташқи қарз ҳисобини юритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкида (бундан буён матнда Марказий банк деб юритилади) рўйхатга олинади. Рўйхатга олиш тижорат банклари томонидан мазкур шартномалар тўғрисидаги маълумотларни хабардор қилиш тартибида Марказий банкка тақдим этиш орқали амалга оширилади. Марказий банк хабардор қилингандан сўнг Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномалар рўйхатга олинган ҳисобланади.

(3-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

4. Ўзбекистон Республикасининг дипломатия ва бошқа ваколатхоналари эҳтиёжлари учун Ўзбекистон Республикасидан ташқарида кўчмас мулк объектларини олиш ва уларни куриш бўйича валюта операциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан амалга оширилади.

5. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида норезидентлар томонидан кўчмас мулкни олиш ва сотиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Олдинги таҳрирга қаранг.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар муомаласи, резидентлар томонидан чет эл валютасидаги қимматли қоғозлар сотиб олиниши, шунингдек резидентлар чиқарган қимматли қоғозларнинг норезидентлар томонидан сотиб олиниши қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

(6-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 июлдаги 16-мў-сонли буйруғи (рўйхат рақами 3313, 28.07.2021 й.) таҳририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

6¹. Куйидаги операциялар Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ёки Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади:

10 000 АҚШ доллари эквивалентидан юқори бўлган суммада чет элда инвестиция фаолиятини амалга ошириш — резидентларнинг Ўзбекистон Республикаси банкларидаги ҳисобварақларидан чет элдаги корхоналарнинг устав капиталини шакллантириш (ёки улушли иштирок этиш), чет элдаги ўз филиалларини айланма маблағлар билан тўлдириш учун чет элга маблағлар ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси резидентлари томонидан норезидентларга кредитлар ва пул, товарлар (хизматлар) кўринишидаги қарзлар ҳамда лизинг объектларини бериш;

Ўзбекистон Республикаси резидентларининг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги ҳисобварақлардан маблағларни чет элдаги ҳисобварақларга (омонатларга) жойлаштириш ҳамда кўчмас мулкни сотиб олиш учун ўтказиш.

(6¹-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарорига (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

II боб. Валюта операцияларини амалга ошириш

Олдинги таҳрирга қаранг.

7. Валюта операциясини амалга ошириш учун резидент томонидан тижорат банкига куйидаги ҳужжатлар тақдим этилади:

(7-банднинг биринчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

мазкур Низомнинг **1-иловасига** мувофиқ шаклда ариза;

валюта операцияси амалга оширилишини назарда тутувчи ҳужжатнинг (шартнома, келишув, битим ва/ёки бошқа ҳужжат) ҳамда унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхалари. Бунда ҳужжат матни давлат ёки рус тилида баён этилган бўлиши, агар ҳужжат матни бошқа тилда баён этилган бўлса, у легаллаштирилган ёки унга белгиланган тартибда апостиль қўйилган бўлиши ҳамда давлат ёки рус тилига таржима қилинган ва нотариал тасдиқланган бўлиши керак.

Олдинги таҳрирга қаранг.

Мазкур ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг, тижорат банки томонидан белгиланган тартибда валюта операцияси амалга оширилади.

(7-банднинг тўртинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

8. Резидентлар ҳужжатларни электрон тизим орқали қабул қилиш учун дастурий таъминотга эга бўлган тижорат банкларига аризани электрон шаклда тақдим этиши мумкин. Бунда резидент валюта операцияси амалга оширилишини назарда тутувчи ҳужжатнинг (шартнома, келишув, битим ва/ёки бошқа ҳужжат) ёки унга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларнинг нусхаларини аризага илова қилиши лозим.

(8-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

9. Валюта операциясини амалга оширишда резидент куйидагиларга мажбур:

Олдинги таҳрирга қаранг.

бир валюта операцияси бўйича барча ҳисоб-китоб ва тўловларни асосий депозит ҳисобварағи очилган тижорат банки орқали валюта операцияси шартларига мувофиқ амалга ошириш;

(9-банднинг иккинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

Олдинги таҳрирга қаранг.

валюта операцияси шартларига ўзгартиришлар киритилганда (шартноманинг муддати узайтирилиши, тўлов муддатининг кечиктирилиши, қарзни сўндириш жадвалининг ўзгартирилиши, қарзнинг тўлиқ сўндирилиши ёки шартноманинг бекор қилиниши ва бошқалар) тижорат банкни хабардор қилиш.

(9-банднинг учинчи хатбошиси Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

10. Валюта операциясини амалга оширишда тижорат банки:

(10-банднинг биринчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

валюта операциялари ҳисобини юритиш учун рақамланган, ип ўтказиб тикилган ва тижорат банкининг муҳри билан тасдиқланган журнал юритиши;

(10-банднинг иккинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

амалга оширилган ҳар бир валюта операцияси бўйича мазкур Низомнинг 7-бандида кўрсатилган ҳужжатлар, тўлов ҳужжатлари ва бошқа зарур ҳужжатларнинг нусхалари тикилган йиғмажилд юритиши;

ҳисоб-китоб ва тўловларни валюта операцияси шартларига мувофиқ амалга ошириши;

Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги шартномалар ва уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар ижрога қабул қилингандан кейин 5 иш куни ичида улар тўғрисидаги маълумотларни мазкур Низомнинг 2-иловасига мувофиқ шаклда Марказий банкка тақдим этиши.

11. Валюта операциясини ҳисобга олиш журналида қуйидаги маълумотлар кўрсатилиши лозим:

ҳужжат ижрога қабул қилинган сана;

ҳужжатнинг рақами ва санаси;

резидентнинг номи;

валюта операциясининг тури, суммаси ва валютаси;

Олдинги тахрирга қаранг.

валюта операциясининг ҳолати (амалда, бошқа ваколатли тижорат банккага ёки яқунланган);

(11-банднинг олтинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

валюта операцияси ҳисобининг юритилиши тугалланган сана (бошқа тижорат банккага ўтказилган ёки яқунланган).

(11-банднинг еттинчи хатбоиши Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

Олдинги тахрирга қаранг.

12. Резидентнинг асосий депозит ҳисобварағи бошқа тижорат банккага ўтказилган тақдирда, кейинги валюта операцияларининг ҳисоби резидентнинг асосий депозит ҳисобварағи ўтказилган тижорат банки томонидан юритилади.

Резидентнинг валюта операциялари бўйича ҳужжатлари тижорат банклари ўртасида тузиладиган қабул қилиш-топшириш далолатномаси асосида ўтказилади.

Далолатномага мазкур Низомнинг 3-иловасига мувофиқ шаклда резидентнинг яқунланган валюта операциялари тўғрисидаги ҳамда бошқа тижорат банкларидан олинган маълумотлар илова қилинади.

(12-банд Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

III боб. Яқуний қонда

Олдинги тахрирга қаранг.

13. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

(13-банд Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг 2021 йил 28 июлдаги 16-мҳ-сонли буйруғи (рўйхат рақами 3313, 28.07.2021 й.) тахририда — Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон)

Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги

низомига
1-ИЛОВА

Олдинги тахрирга қаранг.

_____ раҳбарига
(тижорат банкининг номи)
_____ дан
(мижоз)

АРИЗА

Сиздан _____
(валюта операциясининг тури)
_____ билан боғлиқ валюта операциясини

амалга оширишингизни сўрайман.

_____ (ариза берувчининг лавозими)
20 ____ йил « ____ » _____

_____ (имзо)

_____ (ариза берувчининг Ф.И.О.)

(1-илова Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) тахририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги

низомига
2-ИЛОВА

Олдинги тахрирга қаранг.

_____ (тижорат банкининг номи)

томонидан ижрога қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси томонидан кафолатланмаган хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисидаги ҳужжатлар ҳақида

МАЪЛУМОТ

Ҳужжат маълумотлари	Дастлабки маълумотлар	Ўзгартирилган маълумотлар*
Резидент тўғрисидаги маълумотлар		
Номи		
СТИР		
Фаолият тури		
Жойлашган ҳудуди		
Норезидент тўғрисидаги маълумотлар		
Номи		
Юридик шахслар учун — рўйхатга олинган давлат, жисмоний шахслар учун — фуқаролиги		
Ҳужжат тўғрисидаги маълумотлар		
Ижрога қабул қилинган сана		

Хориждан маблағ жалб қилиш шакли (пул маблағлари, товарлар, иш, хизматлар кўринишидаги заёмлар, кредит, лизинг ёки норезидентларнинг маблағларини ҳисобварақлар ва омонатларга жалб қилиниши)		
Рақами ва санаси		
Суммаси ва валютаси		
Муддати		
Жалб қилинган маблағ сўндириладиган сана		
Мақсади		
Бошқа ўзгартириш ва қўшимчалар	x	

Банк бошқаруви раиси
ўринбосари

(Ф.И.О.)

(имзо)

Ижрочи

*Изоҳ: мазкур устун ҳужжатга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда тўлдирилади.

(2-илова Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2017 йил 11 ноябрдаги 31/2-сонли қарори (рўйхат рақами 2536-1, 23.11.2017 й.) таҳририда — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон)

Капитал ҳаракати билан боғлиқ айрим валюта операцияларини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги
низомига
3-ИЛОВА

_____нинг яқунланган валюта операциялари тўғрисида
(резидентнинг номи)

МАЪЛУМОТ

Г/р	Валюта операцияси тури	Валюта операцияси ижрога қабул қилинган сана	Валюта операциясини амалга ошириш учун асос бўлган ҳужжатнинг санаси ва рақами	Валюта операциясининг суммаси ва валютаси	Валюта операцияси бўйича келиб тушган тушумлар (товар, иш, хизмат)	Валюта операцияси бўйича амалга оширилган тўловлар суммаси	Валюта операцияси ҳисоби юритилиши тугатилган сана	Валюта операциясининг тугатилиши учун асос
	1	2	3	4	5	6	7	8
1.								
2.								

Банк раҳбари

(имзо)

(Ф.И.О.)

Ижрочи

(имзо)

(Ф.И.О.)

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 51-сон, 670-модда; Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.11.2017 й., 10/17/2536-1/0308-сон; Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 28.07.2021 й., 10/21/3313/0724-сон)